

Хоразм вилоят болалар сил касалликлари санаториясида аутсорсерни танлашда ишчи гуруҳнинг йиғилиш Б А Ё Н И

2022 йил 5 январь

Урганч шаҳар

Раислик қилувчи: М.Палванов – болалар сил касалликлар санаторияси бош шифокори  
Катнашганлар: бош ҳисобчи М.Аллаберганова, бош хамшира Ф.Сапарова, ҳуқуқшунос О.Раҳимов, материал ҳисобчи Х.Матназарова, 1-бўлим мудирини М.Ахманова ва мактаб мудирасини М.Юлдашева жами 6 (олти) нафар

### КУН ТАРТИБИ:

#### Вилоят болалар сил касалликлари санаториясини ошхонасида аутсорсинг хизматини олиб боришда тўғридан-тўғри тадбиркор (аутсорсер)ни танлаш тўғрисида

Кун тартибидаги масала юзасидан болалар сил касалликлари санаториясини бош шифокори М.Палванов сўзга чиқиб, болалар сил касалликлари санаториясида иссиқ овқат билан таъминлаш хизмати бўйича жорий йилнинг 15 декабр куни ЛОТ №7184955-сон билан рўйхатдан ўтказилган ошхонада овқат тайёрлаш хизмати бўйича келиб тушган тижорат таклифларига асосан аутсорсерни танлаш имкони бўлмаганлиги, чунки интернет очик аукционга эълон жойлаштиришда ҳафталик овқат менюсини ва порционликни эълонга жойлаштирилмасдан ҳатоликка йўл қўйганлиги сабабли, бу аукцион “ўтказилмаган” деб топилган. “FAST FOZILJON”МЧЖ билан тузилган шартнома 31.12.2021 йил куни тугаганлиги, ошхонада овқат маҳсулотларини тайёрлаш учун “FAST FOZILJON”МЧЖ билан қўшимча келишув тузилмагани ҳамда шартнома узайтирилмагани сабабли янгидан тўғридан-тўғри танлов ўтказишга қарор қилинганлиги ҳақида айтиб ўтди. Аутсорсерни танлашда тўғридан-тўғри танлов ўтказиш қуйидаги ҳужжатларга кўра амалга ошириш мақсадга мувофиқ: *Аутсорсерни танлашда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сон Қарорининг 3-боб, 9-банди “Ўзбекистон Республикасини Президентининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон Қарорига мувофиқ, давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар рўйхатидан ташқари барча ҳолларда аутсорсерни танлаш белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда аутсорсерни тўғридан-тўғри шартномалар бўйича аутсорсерни энг яхши таклифларини тақдим этган талабгорлар орасидан танлаб олинади. Танлов жараёнида катта иш тажрибасига, тегишли молявий моддий техника ва логистика базасига эга бўлган талабгорларга устунлик берилади (қарорнинг қоғоз шакли илова қилинади). Шунга кўра ПҚ-3953-сон қарорнинг давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар РЎЙХАТИ иловасининг 27-банди “давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган рўйхат бўйича даволаш профилактика муассасалари учун озиқ овқат маҳсулотлари харид қилиш” (қарорнинг қоғоз шакли илова қилинади).*

Юқоридагиларга кўра ишчи гуруҳини бир овоздан тўғридан-тўғри шартнома қилишга рози эканлигини билдиришди.